

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВИЛОЯТИ ТУМАНИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021 йил

**Асосий мақсади:** \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани ҳудудидаги бўш ер майдониغا кенг турда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қуришиш ва қадоқлаш фаолиятини ташкил этиб, маҳаллий ва хорижий мижозларга тез ва сифатли, қулай нархларда етказиб бериш, туман иқтисодиётига ҳисса қўшиш ва 30-35 нафаргача янги иш ўринлари яратиш мақсадида режалаштирилган лойиҳанинг қисқача

## БИЗНЕС РЕЖАСИ

Мазкур Бизнес режа эгаси:	ЯТТ« _____ »
Мулкчилик шакли:	ЯТТ (Х.К)
Фаолият тури:	Ташкилотлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш бўйича хизматлар
Банк номи:	“ _____ банк” филиали.
<b>ЛОЙИХА МУДДАТИ:</b>	_____ .
Лойиҳа қиймати:	_____
Ўз маблағи:	_____
Кредит маблағи:	_____
Кредит муддати:	_____
Кредитни имтиёзли даври:	_____
Кредитни фоизи:	_____ (фоиз)

\_\_\_\_\_ - 2021й.

## *Мундарижа.*

- 1. Махфийлигини таъминлаш меморандуми*
- 2. Кириш*
- 3. ЯТТ хақида маълумот.*
- 4. Лойиха раҳбари хақида маълумот.*
- 5. Лойиханинг асосий мақсади.*
- 6. Фаолият режаси*
- 7. Лойиха қиймати*
- 8. Молиялаштириш режаси*
- 9. Иш режаси*
- 10. Иқтисодий кўрсаткичлар*
- 11. Пул оқимининг харакати*
- 12. Хулоса.*

## ШАРХ

1. Тадбиркорлик субъектларини тижорат сирини таъминлаш.
2. Фаолият ташкил этиш ёки кенгайтиришда асосли хужжатлар тўғрисида.
3. Ташкил этилиши, раҳбари, малакаси, фаолият турлари тўғрисида.
4. Ғоя, фикр, муносабат, таклифларни амалга оширишда жамлаб харакатдаги шахс.
5. Ишлаб чиқилган лойихани мақсадиди, вазифасини, фойдалиқ тарафлари йўналиши.
6. Лойихани амалга оширишда, хар бир йўналишни режалаштириш.
7. Лойиха амалга оширишда барча харажатларни жамламаси.
8. Режалаштирилаётган фаолият йўналишини харажатларга пул маблағларини тақсимлаш.
9. Лойихани амалга оширишда бажариладиган ишларни аниқлаш, режалаштириш.
10. Лойиха амалга оширилган сўнг, ундан олинадиган иқтисодий натижалар.
11. Амалга оширилган фаолият натижасида харажат ва тушумларни йиллик кўрсаткичи.
12. Хулосада ушбу фаолият турини амалга ошириш натижаларини, кўрсатиб ўтиш, таърифлаш

# Махфийлигини таъминлаш Меморандуми.

Ушбу «бизнес режа»да тақдим этилаётган барча маълумотлар ЯТТ«\_\_\_\_\_»нинг тижорат сири ҳисобланади.

Унинг мазмуни билан танишиш ЯТТ«\_\_\_\_\_»нинг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

«Бизнес режа» билан танишган шахс ундаги маълумотларни ЯТТ«\_\_\_\_\_»нинг розилигисиз ёки вақилисиз бошқа шахсларга бу лойихани ўрганиш, кўчирма қилиш, ўзгартириш, ошкор қилиш ва бошқа шахсларга тарқатиши таъқиқланади.

Агар ушбу «Бизнес режа» маблағларни инвестиция қилиш учун қизиқиш уйғотмаса уни муаллифига қайтаришингиз сўралади.

Шунинг ҳисобига «Бизнес режа»нинг навбатдаги қисмларида жараёнлар ва маҳсулот (хизмат)га сарфланадиган харажатлар миқдори ва суммалари ҳамда жараёнидаги баъзи бир ҳолатлар тўлиқ ёритилмаган нархлар ҳам ўртача нархларда кўрсатиб ўтилган. Ушбу лойихада фаолият турлари сони кўплиги сабабли ҳар бир фаолият тури қисқача ёритилган бўлиб, асосий харажат ва тушумлар жадваллар асосида кўрсатиб ўтилган, лойихани фаолият турлари бўйича мутахасисларини фикрлари асосида ишлаб чиқилган. Агар лойиха ҳар бир бўлим мукамал бўлиши талаб этиладиган бўлса маълум бир вақт ичида қайта ишлаб тақдим этилади ёки тадбиркор томонидан оғзаки тушутириши берилади.

**Якка тартибдаги тадбиркор** \_\_\_\_\_

## 2.КИРИШ.

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига *“бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”*дек олий мақсадни қўзлаб, ўзининг янги тараққиёт йўлини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш борасида ижобий ишларни амалга оширди ва оширмоқда.

Кўзланган мақсадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат бўлган *“Ўзбек модели”* (Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, Қонуннинг устуворлиги, Давлатнинг бош ислохотчилик роли, Кучли ижтимоий сиёсат, Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш)нинг барча мамлакатлар, шу жумладан АҚШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинди. Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан 2018 йилнинг **“Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”** деб номланиши, орқали махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан қишлоқларда янги технологилар асосида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни даромадаларини ошириш мақсадида бўш турган биноларни “Нол” қийматда бериш, бўш ер майдонларни ажратиш, маҳсулотларни экспорт қилишда ва импорт товарларни (руйхат асосида) мамлакатимизга олиб киришдаги берилган божхона имтиёзлар, солиқ имтиёзлари, шу билан бирга жойлардаги мактаблар, лицейлар, коллежлар, йўллар, кишлоқ врачлик амбулаториялари замонавий кўринишда қурилиши, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг нақадар тўғри эканлигини, қишлоқларда мактаблар, лицейлар, коллежлар, йўллар, кишлоқ врачлик амбулаториялари қурилиши, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва хаказолар билан таъминлаш каби масалаларга катта эътибор берилганлиги ва иш олиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон давлатининг мамлакатда, жумладан, кишлокка доир олиб бораётган ижтимоий сиёсати замирида одамларнинг турмуш даражасини кутариш, уларнинг унумли ишлаши, фаровон яшаши учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш, ватанга, элга сидқидилдан хизмат киладиган жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни тарбиялаш сингари эзгу мақсадлар мужассам.

Дунёнинг купгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни курсатмоқдаки, аввало, узининг хусусий мулкига эга булган шахс ва бундай шахслардан иборат булган тоифа бу бойликни янада купайтириш, асраб-авайлаш, узини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида булган купгина вазибаларни амалга оширишга уз хиссасини кушади. Энг мухими, уз юртида тинчлик ва осойишталикни саклаш ҳамда химоялаш учун астойдил жон қуйдиради. Кишлоқ хужалиги ҳам бошқа барча сохалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонлар, айникса, фермерларга суянгандагина тараққий этади.

Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга йилдан-йилга берилётган кенг имкониятлар ва имтиёзлардан унумли фойдаланиш ҳамда ҳукуматимиз томонидан бизга билдирилган ишончни тўла оқлашга ҳаракат қилишимиз зарурлигини янада чуқур англашимиз зарур. Бунда ҳар бир тадбиркорлик субъектлари ўзларига юклатилган мажбуриятларини ҳам билиши лозим.

\_\_\_\_\_ вилояти, Янгиқўрғон тумани иқтисодиётининг бугунги ривожланиш босқичида бўлаётган ўзгаришлар, тадбиркорлар сонини йилдан-йилга ортиб боришида, уларга берилётган улкан эътибор, ғамхурлик, бағрикенглик айникса ёшларни тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда алоҳида эътибор берилиши, тажриба алмашишда хорижий мамлакатларга малака ошириш, маҳсулотларни экспорт қилишда имтиёзлар белгиланганлиги, шу билан бирга янги замонавий типдаги қурилган ва қурилаётган турар жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётганлиги бунинг айнан исботи деб баралла айта оламиз.

Ҳукуматимиз томонидан белгиланган бир қатор имтиёзлардан унумли фойдаланиш, хусусий корхона томонидан миждозларга парранда маҳсулотлари етиштириб, сифатли ва қулай нархларда етказиб бериш орқали ушбу маҳсулотларга бўлган талабларини оз бўлсада имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қондиришни, ўзимиз туғилиб ўсган мамлакатимиз иқтисодига янада гуллаб-яшнашига равнақига хисса қўшишликни олдимишга аниқ мақсад ва вазифа қилиб қўйганмиз.

## 2.1.КИРИШ

Якин кунларгача (10–15йил олдин) тадбиркорлик сохасида Ўзбекистон Республикаси кийинчилик даврини бошдан кечираётган эди, яъни ишлаб чиқариш қувватлари эскириб бораётганлиги сабабли ишлаб чиқариш хажмининг кескин камайиши ва чорвачилик, паррандачилик, баликчилик асаларичилик ва бошқа ишлаб чиқарилаётган ҳамда етиштирилаётган махсулотларига бўлган талабнинг ортиши натижаси бозор мувозанатининг бузилиши кузатилаётган эди.

Аммо хозирда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга кўрсатилаётган эътибор натижаси улароқ кейинги 4-5 йил ичида сохада туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Махсулот ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик сохасини тубдан ислох қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва янги замонавий технологияларни кенг жалб этган холда тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини бошламоқда.

### ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим учинчи йўналиши - **Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устивор йўналишларидир.**

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик сохасини ривожлантиришда, хорижий иштирокчиларни (инвесторларни) кенг жалб этиш, уларга имтиёзлар бериш ва жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва замонавий дастгоҳларни жорий этиб самарали ишлаб чиқариш, махсулотлар етиштириш ва саноат корхоналарини, маиший хизмат кўрсатиш, сайёҳлик фирмаларини ташкил этиш ва бошқа шу каби мақсадлар учун

Жорий йилда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички ва ташқи бозорда уларга бўлган талабни қондириш борасида қатор тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бу борада кенг қўламли ишлар бугун Республика бўйича олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда тадбиркорлик сохасида кенг қўламли ислохотлар ўтказилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бугун юртимиз бозорлари нафақат чет эл бозорларида ҳам ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган махсулотлар ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда сохани комплекс ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳолининг махсулотларга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, уларни қайта ишланган холда экспортга чиқариб валюта тушуми салмогининг кўпайишига хизмат қилади.

**Бизнес фаолиятини бизнес режасининг энг асосий ютуғи шундан иборатки, тўғри ташкил этилган лойиха хар бир тадбиркор учун энг долзарб масала сохага инвестиция қилиш жозибadorлиги изохлайди.**

**Ушбу Бизнес режа бир қатор тадбиркорликни бир неча фаолият турлари:**

- 1) Мева-сабзавотларни сифатли қуритиш хизматини ташкил этиш;
- 2) Кунгабоқар махсулотни қайта ишлаб, сотишни ташкил этиш;

Савдо ва хизмат кўрсатишни ташкил этишга мўнжалланган ушбу лойиха, жахон талабларига жавоб берадиган фаолиятининг молиявий самарадорлигини изохлаш ва соханинг инвестиция учун жозибador ва фойдали эканлигини исботлаш учун ишлаб чиқилган.

**Хар бир тадбиркорлик фаолият туридан катъий назар амалдаги қонунлар доирасида фаолият олиб бориш, тадбиркорлик субъектлари учун ривожланиш демакдир.**

## ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

### ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ:

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ шаҳар Саноат зонаси \_\_\_\_\_ ҳудудида ижара асосида фаолият олиб бораётган **ЯТТ**– \_\_\_\_\_

### ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:

Ўз ва Банк кредити: \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани “ банки”нинг имтиёзли кутилаётган банк кредит ҳисобига лойиҳани \_\_\_\_\_ **сўм**, Ўз ҳисобидан эса \_\_\_\_\_ **сўм** миқдорида молиялаштириш режалаштирилмоқда. Жами лойиҳа қиймати \_\_\_\_\_ **сўмни** ташкил этиши кутилмоқда.

### ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ:

« \_\_\_\_\_ » **Якка тартибдаги тадбиркор**

### ЯТТ РҲЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАҚАМИ:

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани, “Ягона дарча маркази” томонидан \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_, реестрдаги тартиб рақами \_\_\_\_\_ –сон билан руйхатдан ўтган.

### ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

Ўзбекистон Республикаси, \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани,

### БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

Банк: “ **банк**” \_\_\_\_\_ туман бўлими.

Х/р. \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО): \_\_\_\_\_

СТИР (ИНН): \_\_\_\_\_

Тармоқ коди (ОКОНХ): \_\_\_\_\_

### ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.

- Лойиҳа суммаси: \_\_\_\_\_ сўм.
- Лойиҳада қатнашадиган шахсий маблағи: \_\_\_\_\_ сўм
- Кредит маблағи: \_\_\_\_\_ сўм
- Кредит фоизи: Йиллик \_\_\_\_\_ %
- Лойиҳалаштириш муддати: \_\_\_\_\_.
- Имтиёзли муддат: \_\_\_\_\_.

## 4. Лойиха раҳбари тўғрисида қисқача маълумот.

Лойиха раҳбари: « \_\_\_\_\_ » Якка тартибдаги тадбиркор

ФИШ: \_\_\_\_\_.

Туғилган йили: \_\_\_\_\_ йил

Туғилган жойи: \_\_\_\_\_ тумани

Миллати: Ўзбек \_

Жинси: \_\_\_\_\_

Паспорт ҳақида маълумот: \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани  
ИИБ томонидан \_\_\_\_\_ йилда  
берилган « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Партиявийлиги:

Маълумоти:

тел: \_\_\_\_\_

Кайси чет тилларини билади:

### МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ

\_\_\_\_\_ Якка тартибдаги тадбиркор

1-Жадвал

№	Ф.И.Ш	Лавозими	Маълумоти	Иш стажи	
				умумий	Шу соҳада
1	_____	ЯТТ			

Молия муҳит \_\_\_\_\_ → Банк, ҳисоб системаси

Лойиха валютаси \_\_\_\_\_ → Миллий сўм

**Изоҳ:** ЯТТ иш фаолиятини олиб бориш давомида ишлаш давомийлигини таъминлашни яъни узлуксиз иш фаолиятини олиб бориш борасида изланиши, амалдаги қонунлар асосида назорат қилиш ва иш олиб бориши, ўзи устида ишлаши, талаб ва таклифни ўрганиши, самарали меҳнат қилиши натижасида иш фаолиятини узлуксизлигини таъминлашга ва маҳсулотларни сифатли етиштириб етказиб беришга эришиши мумкин..

## **5. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида тадбиркорлик субъектларига кенг имконият ва имтиёзлар бериш ҳамда хусусий мулкни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, хар бир соҳасини ривожлантириш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолига сифатли, қулай, арзон нархларда маҳсулот ва хизматларни кўрсатиш сонини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш алоҳида таъкидлаб ўтилган.*

*Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятларини яхшилаш. қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай ишбилармонлик муҳитини шарт-шароитларни яратиш борасида ҳукуматнинг Дастурлари ва вазифалари белгиланмоқда.*

*Шунга асосан йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларига белгиланган имтиёз ва енгилликлар сони ортиб борилмоқда.*

Ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали тадбиркорлик субъектларига берилган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлардан унумли фойдаланиши, амалдаги қонунлар асосида иш фаолиятини ташкил этиш, бошлаш, ривожлантириши учун асосли омил бўлиб хизмат қилмоқда.

### **5.1. Лойиҳанинг мақсади қуйидагиларда ўз аксини топган:**

- Танланган фаолият тури рентабилликни изоҳлаш;
- Маҳсулот етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар талаби ва бозор талабларини ўрганиш ҳисобидан маҳсулот сақлаш, қуритиш, ташиш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини истиқболлаш;
- Тадбиркорнинг молиявий стратегиясини яратиш ҳамда фаолиятдан кутилаётган натижаларни баҳолаш;
- Имконият даражасида маҳаллий хом-ашёлардан, заруриятга қараб чет эл хом-ашёларидан фойдаланиб етиштириш ҳажмини кенгайтириш;
- Қўшимча иш ўринларини яратиш ҳисобига лицей-коллеж битирувчиларини ҳамда мутахассисларни иш билан таъминлаш;
- Ташқи ва ички иқтисодий омиллар ўзгаришига қарабнинг бошқарув тизимини ҳамда хўжалик юритиш фаолиятини иложи борича тезроқ адаптациялаштириш;

## 5.1. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ.

### 5.2. Тадбиркорнинг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ замон талабига ҳамда аҳоли дидига қараб талабга жавоб берувчи, экспортбоп, сифатли хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш;
- ✓ янги сегмент харидорларини жалб қилиш ҳамда маҳсулот ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг пропорционал равишда ошириб бориш;
- ✓ оптимал бошқарув стратегиясини танлаш, малакали соҳа мутахассисларни масаласига диққат билан ёндашиши қўшимча ишчи ўринларни яратиш;
- ✓ комплекс замонавий жиҳозларни ишлатиш орқали, аҳоли эҳтиёжи ва буюртмачилар буюртмасига асосан хизмат кўрсатиш, товар маҳсулотларини етиштириш, қапйта ишлаш ва ишлаб чиқариш;
- ✓ Хизмат кўрсатиш, етиштириш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш ва четдан товарлар келтириш ҳаражатларини камайтириш ҳисобига хизмат/маҳсулот сотиш нархини арзонлаштириш;
- ✓ Тадбиркор мавқеини мустаҳкамлаш, даромад миқдорини пропорционал равишда ошириб бориш;

### 5.3. Лойиҳа фойдалигини аниқлаш:

#### 2-ЖАДВАЛ

Иқтисодий фойдалилик	Ижтимоий фойдалилик
Даромад олиш	Хизмат/Маҳсулот бозорини тўлдириш
Ижтимоий ва солиқ тўловлари	Хизмат/Маҳсулотларни реализация қилиш
Ишчи ходимларга ойлик иш ҳақи бериш	Харидорлар талабини қондириш

### 5.4. Мазкур лойиҳанинг бир қатор афзалликлари:

- Маҳаллий ва хорижий бозорларга маҳсулот ва хизмат кўрсатишни таклиф этиш;
- Кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулотларини наменклатураси турли хилдаги ҳамда керакли пайтда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда хизмат /маҳсулот асартиментини ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги;
- бошқарувда илғор технология ва дизайнерларнинг янги ижод намуналари қўлланиши орқали хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш;
- барча кўрсатиладиган хизматлар ва четдан олиб келтириладиган товарлар, маҳсулотлар савдоси тизимлаштирилган бўлиб, юқори рентабилликни таъминлайди;

## 6.БОЗОР ТАХЛИЛИ

Хозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва сифатли экспорт боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш. етиштириш ва кенг турдаги хизматлар кўрсатиш бозор талабини асосини ташкил қилади.

Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари замонавий ишлаб чиқариш технологиялари асосида ташкил этиш ва ўзаро тажрибалар алмашиш давр талабидир.

Тадбиркор ҳам ўз имкониятларидан ва иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига сифатли кенг турдаги хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва босқичма-босқич кенгайтириш орқали фаолиятни ривожлантиришни йўлга қўйишни режалаштирган.

Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун бозор шароитини ўрганишда ушбу хизматларга миқозлар талаби борлигини аниқлашда бир қатор изланишларни олиб борган:

1. Бозор конъюктурасини системали тахлили;
2. Рақобатчиларни ахволи ва уларнинг қувватларини ўрганиш;
3. Фаолиятни ҳаракат йўналишлари сиёсатини ўрганиш.

Маблағларни сарфлаш орқали қўйидаги талабларни қондириш режалаштирилмоқда:

1. Кўпчиликка манзур бўладиган қулай нархларда, сифатли хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот етказишни ташкил этиш;


2. Реклама асосида аҳолига, корхоналарга, фирма, ташкилот ва муассасаларга ушбу маҳсулот ва хизматлар тўғрисида хабардор қилиш ҳамда слтиб олишларида ва хизматлардан фойдаланишларида шартномалар тузиш ва буюртмачиларни талабларини тўлақонли қондириш;

3. Миқозларни талабларини қондириш уларга тадбиркор томонидан бир қатор имтиёзлар ва рағбатлантириш бериб бориш.

4. Тадбиркор хизматлари брендлари, белгилари ва буклатлар тайёрлатиб миқозларга доимий етказиб бориш:

Тадбиркор томонидан ички ва ташқи бозорлардаги талаб ва таклифларни ўрганиш, миқозларни сифатли хизматларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, тахлил қилиш ва ўрганиб бориш орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожланишга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас.

## 6.1.БОЗОР ТАХЛИЛИ.



### Шартли белгилар:

$Q$  – Бозорга олиб чиқилган махсулот

$P$  – Сотилган махсулот нархи

$T_b$  – махсулотга бўлган потенциал талаб

$T_f$  – махсулотнинг потенциал таклифи

$O$  – Талаб ва таклифнинг оптимал ҳолати  
(нарх ва махсулот миқдорининг оптимал кесилиш нуктаси)

### ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида аҳолининг ушбу махсулот ва хизматларига бўлган харид қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу махсулот ва хизмат кўрсатишга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамадан республика миқёсида йиллик катта потенциал талаб мавжуд эмаслиги.

#### Потенциал талабга қўйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказди:

- Бозорда таклифнинг талабдан кам бўлиши (махсулот дефицити) – яъни таклифнинг ҳаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган махсулотга ёки хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.
- Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истъмоқ товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.
- Ўринбосар хизматлар, махсулотлар таклифининг ортиши ва нархининг пасайиши – бу омилнинг таъсири айни хизмат кўрсатишни ўринбосар хизмат/товарларнинг камлиги сабабидан унчалик сезиларли эмас.
- Айни ёки турдош махсулотлар импортнинг ортиши – таъсири сезиларли эмас ва Ўзбекистондаги олиб борилаётган сиёсат импорт хизмат ва тайёр махсулотлар сони ва миқдорини камайтиришга йуналтирилган.
- Ижтимоий сиёсат – ижтимоий ҳимоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қилади.
- Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.
- Юқоридаги омилларга ўхшаш яна кўплаб сиёсий аҳвол, иқтисодий танглик ва мафкуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар ҳам потенциал талабнинг

## 7.МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВ.

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ туманида бир қатор махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини (мева ва сабзавотларни сақлаш, қуритиш, юк ташиш, транспорт ва сайёхлик хизматлари) ташкил этишга бўлган талабнинг юқорилиги ҳамда ҳудудда ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналар ёки вилоят бўйича камлиги сабабли ҳамда экспортбоп махсулот ва хизмат кўрсатувчилар камлигидир.

Юқоридаги режалаштирилаётган ушбу махсулот ва кенг турдаги хизмат кўрсатувчининг маҳаллий аҳолига, тадбиркорлик субъектларига ҳамда чет эл давлатларига йўналтириш мақсадида, дунёнинг бир қатор давлатларининг тажрибаларини ўрганиш билан бирга уларни хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжлари доимий ўрганиб бориш фаолиятни ривожланишига ўз сезиларли таъсирини ўтказди.

Натижада қуйидаги кўрсаткичларга эришиш мумкин:

### СЕГМЕНТЛАРНИ АНИҚЛАШ

*Хизмат кўрсатиш ва махсулот ишлаб чиқариш Режаси.*

а) Маҳаллий аҳоли ва тадбиркорлар 50 %

б) Хорижий тадбиркорлар 20 % (\_\_\_\_\_ ва бошқа давлатлар)

в) Бошқа вилоят аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари 30 %

*Рақобатчилар таҳлили*

3-жадвал

№	Рақобатчилар номи	Давлат номи	Нархи. сўмда	Хизмат кўрсатиш Қуввати
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				

## 7.1.МАРКЕТИНГ МАЖМУИ“4P”

<b>Product- Маҳсулот/хизмат</b> Сифатли, қулай нархларда мева ва сабзавот маҳсулотлари қайта ишлаш қуриштириш хизмати	<b>Price- Нарх</b> Нарх қўйиш тамойили харидорларнинг талабидан келиб чиқиб белгиланади.
<b>Place- Жой</b> Бизнес ҳудуд—_____ вилояти, _____ тумани ҳудудда фаолиятни амалга оширади. Ушбу манзилда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда қўшни давлатларга ва Чет эл давлатларга ҳамда Ўзбекистон бўйлаб етказиб бериш учун шароитлар ва имконияти мавжуд	<b>Promotion-Харакатланиш</b> Тадбиркор ўз пештахта, афишалар, ОАВ орқали реклама, расмий веб сайтлар, кўргазма, ярмаркаларда иштирок этиш ва реклама тармоғлари орқали ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқариб сотишда имтиёз ва бонуслар бериш орқали ҳам мижозларни ўзига жалб этади.

### МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ

*5-жадвал*

№	Мазмуни	Сегмент 1 (Импортёрлар)	Сегмент 2 (Ҳудудий тадбиркорлар)	Сегмент 3 (Вилоятларда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар)
1	<i>Истеъмолчиларнинг тавсифи</i>	Хорижий савдо компаниялари ва ишлаб чиқарувчилари	Ҳудудда фаолият кўрсатаётган чакана ва улгуржи савдогарлар ва ишлаб чиқарувчилар	Вилоятларда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи, чакана ва улгуржи савдо фирмалари
2	Истеъмол ҳажми (келгусида50%гача)	20 %	50 %	30%
3	Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	Чет ва қўшни давлатларига	_____ вилояти	Вилоятлар
4	Хизматларга талабнинг камайиши, кўпайиши ёки барқарорлиги	Кўпаяди	Кўпаяди	Кўпаяди
5	Хизматларни харид қилиш қобилияти	Паст	Юқори	Ўрта
6	Маҳсулотни истеъмолчиларга жалб этиш	Орзоннарх, Сифатлилик	Орзон нарх, Сифатлилик	Орзоннарх, Сифатлилик

## 7.2.SWOT ТАҲЛИЛ

<p><b>S- Кучли томонлари</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Шу фаолият билан танишиб шуғулланаётганлиги++</li> <li>-бизнес учун жуда қулай худудда жойлашган +</li> <li>- Махсулот ва хизматга бўлган талабнинг юқорилиги, мавжудлиги++</li> <li>- Худудда зарурий ер майдонларининг мавжудлиги++</li> </ul>	<p><b>W- Кучсиз томонлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Кучли брендга эга эмаслиги++</li> <li>- Махсулот янги бошлаши ва хизмат кўрсатиш билан ички ва ташқи бозорларга тўлиқ кириб бормаганлиги++</li> </ul>	<p><b>Кучли томонлар</b> 4та</p> <p><b>Кучсиз томонлар</b> 2та</p>
		<p><b>S&gt; W</b></p>
		<p><b>++ S</b> 4та</p> <p><b>++ W</b> 2 та</p>
		<p><b>++S&gt; ++W</b></p>
<p><b>O - Имкониятлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Чиқарилаётган Қарор ва Фармонларда тадбиркорлик фаолиятига катта эътиборнинг ортиб бориши++</li> <li>- фаолият турини янги бошлаш ва кенгайтиришда хужжатларни соддалаштирилганлиги++</li> <li>- Хизмат кўрсатишдаги энгилликлар++</li> <li>- Буш ер майдони, бўш бинолар ва имтиёзли банк кредитларини олишда энгилликлар++</li> </ul>	<p><b>T–Тўсиқлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Кучли рақобатчиларнинг пайдо бўлиши ++</li> <li>- Харид қобилиятининг номуайянлиги++</li> <li>- Комунал соҳадаги ва фавқулотда вазиятлар, табиий офат муаммолари юзага келганда++</li> </ul>	<p><b>Имкониятлар</b> 4 та</p> <p><b>Тўсиқлар</b> 3 та</p>
		<p><b>O&gt;T</b></p>
		<p><b>++ O</b> 4та</p> <p><b>++ T</b> 3та</p>
		<p><b>++O&gt; ++T</b></p>

*Тадбиркор томонидан доимий ички ва ташқи бозор эҳтиёжларини ўрганиб бориш, Натижасида маҳаллий ва хорижий аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ушбу махсулот ва хизматларига бўлган талаб юқорилиги сабабли, лойиҳанинг бошлангич 50%гача ўзимизнинг аҳолига, 30% бошқа вилоятларга ва 20%(50%) махсулотлар/хизматлари экспортга қаратилганлиги тўлалигича ўзини қоплаши кутилмоқда. Лойиҳанинг кучли томонлари 4 тани кучсиз томони эса 2 тани, Имкониятлари 4 тани, тўсиқлари эса 3 тани ташкил қилиши лойиҳа зарур эканлигини исботламоқда.*

*Шунингдек, ушбу лойиҳани амалга оширишга эришгач 2021-2023 йил учун бир қатор босқичма-босқич махсулот/хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришни ҳам амалга оширишни режалаштирилган ва бу 2021 йил давомида фаолиятни 1-босқичида, бинони қуриш, дастгоҳни олиб келиб ўрнатиб, фаолиятни бошлаш кўзда тутилган ва 2022 йилдан тўлиқ қувват билан ишга тушурилиши кўзда тутилган.*

## ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Миллий Иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ўсишини таъминлаш, уни модернизациялаш ва аҳоли бандлигини ошириш кўп жихатдан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Бундан ташқари республикада 2010-2013 йилларни оладиган бўлсак қайта ишлаш даражасининг паст эканлигининг энг асосий сабабларидан яна бири бу - корхоналар йил давомида хом-ашё билан мунтазам равишда таъминлаш имконияти етарли даража эмаслиги ёки бошқача айтганда сақлаш омборхоналарининг етарли даражада эмаслигидир.

Иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларига булган эҳтиёжни тўлиқ ва самарали кондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги “2012-2015 йилларда Республика озик-овқат саноатини янада ривожлантириш ва бошқарувни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у Иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида инвестиция лойҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан молиявий маблағлар йуналтирилган. Бу чора-тадбирларнинг барчаси пировардида мамлакатимиз Иқтисодиётининг жадал суръатлар билан усиши учун замин яратади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида замонавий янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдагиларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш кенг куламли шарт-шароитларни **таказо** этади. Шунга кўра, фикримизча, бозор муносабатларини шакллантириш ва янада чуқурлаштириш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан Ушбу жараёнларни самарали ташкил этиш эса улар асосида ётувчи объектив қонуниятларни ўрганиш ҳамда назарий қоидаларни асослашни тақозо этиб, уларни қуйидаги йуналишларда амалга ошириб келинмоқда:

Иқтисодиётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шарт-шароитлар яратувчи замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг илдам ривожланишини;

Мамлакат минтақаларининг табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини шакллантириш ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бандлигини, одамларнинг даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришга имкон берувчи инфратузилма объектларини ишга тушириш;

Хусусий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз фаолиятларини самарали ва тўлақонли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ва ривожлантириб боришларини рағбатлантирилиши;

Корхоналарда янги технологияларни жорий этиш имконини берадиган ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини ташкил этилиши;

Ўзининг жойлашуви, табиий ва Иқтисодий салоҳияти ҳамда бошқа жihatлари бўйича миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган, истиқболли ҳудудларни мақсадга мувофиқ ривожлантиришда ишлаб чиқариш инфратузилмаси имкониятларидан кенг фойдаланилиши;

***Иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, хусусан, юзага келган ёки келиши мумкин бўлган инқирозли ҳолатларнинг олдини олиш ёки салбий оқибатларини бартараф этишда ишлаб чиқариш инфратузилмасидан ўзига хос дастак сифатида фойдаланилиши;***

Мамлакат Иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасидаги дастурларнинг самарали амалга оширилишини таъминланиши;

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг йуналишлари бўйича кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилаётганли буни айнан исботи деб айта оламиз. **Хусусан:**

Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг илдам ривожланишини таъминланиши, шу асосда Иқтисодиётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, Республика минтакаларининг табиий ҳамда Иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишдир..к.

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитида хусусий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз фаолиятларини самарали ва тўлақонли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ва ривожлантириб боришларини рағбатлантиришда давлатнинг иштироки муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, фаолият кўрсатаётган, модернизация қилинаётган ва янгидан ташкил этилаётган саноат корхоналарининг автомобиль ва темир йўлларга уланишини таъминлашга доир бир қатор чора-тадбирлар назарда тутилганки, бу автомобиль ва темир йўл орқали юк ташишни енгиллаштиради.

Телекоммуникациялар ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши ҳудудда, айниқса, қишлоқ туманларида ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолининг ушбу хизмат турлари билан таъминланганлик даражасини оширади.

**Шунингдек, Инкирозга қарши дастурга киритилган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда ишга тушириш лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш белгилаб берилган.**


Давлатимиз томонидан олиб борилаётган бундай чора-тадбирлар ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик- коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожланиши негизида янги иш жойлари яратилиши, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражаси узлуксиз усиб бориши таъминланади.

Озиқ – овқат саноатидаги юксалиш мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг яқкол натижасидир.

Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасига индустриал технологиялар кенг миқёсда кириб келмоқда. Бу нафақат ҳамма жойда машина ва механизмларни қўллашни, балки йирик кўламли ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга эканлигини англатади. Масалан, 500 кг. олмани сақлаш ҳам, ташиш ҳам, қайта ишлаш ҳам фойдали эмас. 50 тонна бўлиши бу – бошқа масала. Бунда талаб юқори бўлган олма навлари бозорда уларни истеъмолчилар кутган пайтда бўлиши лозим. Чунки ташқи бозорда рақобат сезиларли даражада ва у ички бозорда ҳам кучайиб бормоқда.

Ишлаб чиқарувчилар учун бозор ва ҳамкорлик қилишни ҳоҳлаган мижозлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш жуда муҳим. Мижозлар талаблари ва улар ҳоҳлаган маҳсулот турлари ўзгариб бормоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашда соҳанинг модернизация даражаси алоҳида ўрин тутди. Жумладан, 2012-2015 йилларда мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, уларни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, соҳанинг келгуси ривожини белгилаш имкониятларини беради.



**Ташқи савдо айланмаси географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш.**

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Мамлакат иқтисодийнинг барқарор ривожланишида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар экспорт салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда Бухоро қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда йири салоҳиятга эга. Мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотлари экспортнинг кенгайиш кўп жиҳатдан мажмуанинг фаолиятига, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига уларнинг сифати, турлари ва жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришига бевосита боғлиқ. Айни вақтда қуйи мажмуанинг муваффақиятли ривожланиши ташқи иқтисодий фаолиятнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Шу ўринда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари бўйича жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига баҳо бериб ўтиш экспорт салоҳиятини белгилаш за стратегик йўналишларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро нафақат ўз пахта толаси, балки сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотлари билан ҳам машҳур бўлиб, уларнинг кўплаб турлари, навлари ўзига хос таъм хусусиятлари ва экологик тоза маҳсулот сифатида танилган. Мева-сабзавот маҳсулотларининг мазкур хусусиятлари уларнинг жаҳон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорларида юқори рақобатбардошлигини таъминлайди. Масалан, Вилюятимизда ишлаб чиқариладиган узум навларида қанд таркиби 18 фоиздан 30 фоизгача, помидорларда куруқ моддаларнинг улуши 5,5 фоиздан кўпроқни ташкил этади<sup>1</sup>. Бу эса Европадаги худди шундай маҳсулотлар кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори ва харидорлар учун жозибали ҳисобланади. Шунингдек, қуйидагилар ҳам Вилюятимиз мева-сабзавотчилик мажмуаси рақобат афзалликларига киради:

- ҳўл мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида сотиш имкониятини берувчи табиий-иқлим шароитлари;
- мева-сабзавот маҳсулотлари сифат даражаси, хусусан экологик тозалигини таъминловчи ер ресурсларининг мавжудлиги;
- малакаси ва интизоми нисбатан юқори бўлгани ҳолда ишчи кучининг арзонлиги;
- илмий салоҳият ва амалий тадқиқотлар даражасининг юқорилиги;
- нисбатан инфратузилманинг ривожланганлиги (транспорт коммуникацияси, электрлаштириш даражаси).

Бундан ташқари, Мамлакатимиз Марказий Осиё ва қўшни минтақалар орасида мева-сабзавот етиштириш ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт қилишда етакчи давлат ҳисобланади. Бу эса, мазкур минтақада рақобат афзаллигини вужудга келтиради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мустақиллик даврида ҳукумат томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини

<sup>1</sup>Манба: Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2011

экспортини қўллаб-қувватлашнинг ҳукуқий асоси яратилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур маҳсулотларни экспорт қилиш тартиби ишлаб чиқилди. Унинг асосий моҳияти мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий қисмини деҳқон ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқараётгани ва уларга экспорт қилишда енгилликлар яратиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга экспорт қилишнинг соддалаштирилган тизими амалга оширилаётганлигидир. Бу эса экспорт салоҳиятининг ошишига ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кенгайиши яна бир омил бўлиб ҳисобланади.

озик-овқат саноати корхоналари, уюшмаси билан биргаликда гўшт-сут, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлайдиган янги корхоналарни қуриш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш ва реконструкция қилиш бўйича мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш бўйича вазифа юклатилган. Давлатимиз бугунги кунда аҳолини ортиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжни тўла қондириш учун, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ҳамда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай ёқотишларсиз йиғиштириб олиш ишларига алоҳида эътибор бермоқда.

Ушбу сай-ҳаракатлардан алоҳида урғу берадигани бу ишлаб чиқаришга чиқитсиз технологияни тадбиқ этиш ва маҳсулотларни сақлаш технологияларни такомиллаштиришдир.

Маълумки озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашёсини сақлаш муаммоси долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кундаги ҳисоб-китобларга қараганда ўртача 20-25 % хом-ашё сақлаш даврида яроқсиз холда келиб қолади. Бунга асосий сабаб улардаги эркин сувнинг кўплиги ва тузувчи микроорганизмлар ривожланиши учун зарур бўлган озукавий бузувчи микроорганизмлар ривожланиши учун зарур бўлган озукавий моддаларнинг етарлилигидир.

Демак озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун уларнинг бузувчи микроорганизмлар фаолиятини тўхтатиш зарурдир. Яъни сабзавотларнинг униши ва касал чиқарувчи макрофлорани оғохлантирадиган айни пайтда фитопотоген микроорганизмлардан зарарланишига ва физиологик бузилишларига чидамлилигини тушурмайдиган, химоявий таркиби ўзгаришларига салбий таъсир этмайдиган усул ҳамда ишлов меъёрларини таъминлаш зарур.

Мева – сабзавотлар инсонни озукланишида жуда катта аҳамиятга эга ҳамда даволаш хусусиятига эга бўлган озук ва хуштамли маҳсулот ҳисобланади. Мева – сабзавотлар ўсимлик маҳсулотларининг маҳсус гуруҳига киритилган бўлиб, ўсимлик ҳосилининг асосий қисмини ташкил этади ва улар танасини асосан, 80-90 айрим сабзавотларда: бодринг, редиска ва салатларда 93-97% сув ташкил этади. Мева – сабзавотларни сув билан тўйинганлиги бевосита маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи билан боғлиқ бўлиб, бирга ҳолатини белгилайди. Агарда мева – сабзавотлар танасидаги сув миқдори 5-7% гача пасайиб кетса, маҳсулот товарлик, яъни янгилик ва сезувлик хусусиятини ёқотади. Маҳсулот қанчалик ёш бўлса, унинг таркибидаги сувнинг миқдори шунчалик юқори бўлади.

Инсонни озукланишида сув таркибида эриган ҳазм бўлувчи, физиологик фаол моддаларнинг бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Яъни углеводлар, азотли моддалар, витаминлар, минерал тузлар, органик кислоталар, хушбўй моддалар тўқималар асосини ташкил этади.<sup>19</sup> Тўқималарда турли-турли туман

фойдали эриган моддаларнинг мавжудлиги меваларнинг хазм бўлиш жарайёнини бетишида жуда муҳимдир. Шу сабабли турли серсув махсулотлар пархез ва даволовчи воситалар сифатида қўлланиб келинади.

Мева – сабзаёт махсулотлари ахамияти таркибида эриган сувдан ташқари қуруқ моддалар ҳам киради. Улар махсулотлари таркибига 10-20 % ни ташкил қилади. Ўз навбатида қуруқ моддалар сувда, эрийдиган ва эримайдиганларга ажратилади. Эримайдиганлар – целлюлоза гинетцеллюлоза, протопектин, эримайдиган азотли бирикмлар, минерал безлар, крахмал, ёғларни эритувчи пигментлар ва унчалик кўп бўлмаган миқдорда бўлиб, тўқиманинг деворлари ва механик элементларни ташкил этади. Барча ушбу моддалар, асосан тўқималарнинг механик пишиқлигини, консистенцияси айрим ҳолларда пўстлоқ рангини белгилайди. Мева – сабзаётларда эримайдиган қуруқ моддаларнинг миқдори унча кўп бўлмаган 2-5% ни ташкил этади. Эрийдиган қуруқ моддалар 5% дан 18% гачани ташкил этиб, уларга углеводородлар азотли моддалар, кислоталар, дубил ва фенол табиатли моддалар, пектин ва витаминларнинг эрийдиган хиллари, ферментлар, минерал тузлар, ва ўрганилмаган бир қатор бирикмалар киради. Бу гуруҳни ташкил этувчи кўпчилик қисмини, асосан углевод бирикмалар, яъни қандлар ташкил этади.

Мева – сабзаёт махсулотларини ахамият ҳар доим тўқималардаги эрийдиган қандларни борлиги билан аниқланмайди, балки унинг тўйимлиги ва хазм бўлиши унинг юқори хушбўйлик консистентлари, витаминлар, углеводлар минерал моддаларни бошқа озуқа махсулотларида йўқлиги ва оз миқдордалиги билан баҳоланади.

Тақидлаш керакки, мева – сабзаётларни кимёвий таркиби ҳали тўлиқ ўрганилмаган, аммо бир нарса аниқ исботланган. У ҳам бўлса мева – сабзаёт махсулотлари инсонни эҳтиёжига айланган уларни йил давомида янгилигида фойдаланиш мумкин. Мева – сабзаётларни ривожланган давлатларда ва мамлакатимизда истеъмол қилиш охири 40-50 йилларда жадал суратлар билан юқорилаб бормоқда. Шу сабабли айрим ривожланган мамлакатларда мева-сабзаётларни истеъмол қилиш сувли юқори бўлганлиги сабабли юксак турмуш тарзини белгиловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Сабзаёт-меваларнинг биологик ва биокимёвий фаоллиги сақлаш даврида ўзгаради ҳамда маълум даражада етиштириш шаритларида аниқланади. Махсулот таркибига оддий сув эмас, инсон озикланишидаги зарур сувда ажрашган озуқа ва физиологик фаол моддалар – углевод, азотли модда, витамин, туз, хушбўй модда ва бошқалар киради. Кучли аралаштириш ва кўпчилик компонентларни бирга бўлиши сабабли уларни организм томонидан хазм бўлиши юқори, шунинг учун кўпчилик компонентларни бирга бўлиши сабабли уларни организм томонидан хазм бўлиши юқори, шунинг учун кўпчилик сабзаёт, мевалар пархез ва хатто дори воситаси сифатида ишлатилади. Меваларни сақлашда, биринчи навбатда, сахароза миқдори камаяди. Бу сахарозанинг нафоис олиш жараёнида оксидланиш жараёни жалб этиладиган модда эканлиги тахмин этиш имконини беради. Бир қатор олимлар мевалар таркибида сахароза тугамагунча сақлашга қодир деб ҳисоблашади. Сақлашда моносакхарлар миқдорининг йиғиндисини ўзгаришига ўзига хос фойдаси бор.

Хавонинг ҳарорати баланд, намлиги паст булиб, унинг омбордаги ҳаракати тез булса, бугланиш тезлиги ҳам шунчалик юқори булади. Майда мевалар йирик меваларга караганда нисбатан сувини тез йукотади.

## Мева, сабзавот ва картошка нам йукотишининг йул куйиладиган меъёрлари

Махсулотлар	Саклаш муддати, ой	Нам йукотилиши				
		Саклаш даври мобайнида		Уртача 1 ой мобайнида		Энг нокулай 1 ой мобайнида
		Кг/г	%	кг/г	%	%
Картошка	9	51,0	5,10	5,70	0,57	0,75
Лавлаги	10	61,5	6,15	6,15	0,62	1,14
Сабзи, шолгом	10	79,5	7,95	7,95	0,80	1,65
Карам	9	96,0	9,60	10,67	1,07	2,48
Пиёз	12	77,3	7,73	6,44	0,64	1,28
Саримсок	12	99,8	9,98	8,31	0,83	2,25
Олма (кишки)	10	39,0	3,90	0,39	0,39	0,75
Нок (кишки)	9	52,0	5,20	5,78	0,58	1,50
Узум	7	30,0	3,00	4,29	0,43	0,60

Бугланиш тезлиги мевадаги сувнинг микдорига ҳам боғлиқ. Агар мева теришдан олдин сугорилса, терилган мевалар серсув булиб, саклаш даврининг бошида таркибидги сувни тез буглатиб сулиб қолади. Купинча уларда аччиқ мағор хосил бўлади, данакли меваларнинг данаги ёрилиб кетади. Терилишидан олдин узок вақт сув ичмаган мевалар ҳам саклаш вақтида сувни тез буглатади ва сулиб қолади.

Бугланиш меваларда сувнинг таксимланишига ҳам боғлиқ. Масалан, нокда сувнинг куп қисми хужайра оралигида жойлашган бўлади, шу шу сабабли у сувни тез буглатади.

Мевалар сакланишнинг дастлабки кунларида сувни жуда тез буглатади, бунда мевалар таркибидаги эркин сувдан халос бўлади. Сунгра бугланиш пасаяди, мева етилиши билан бугланиш кучаяди.

Мева ва сабзавотлар идишга жойлашган ёки тукма холда қалин қилиб ва устидан ҳаво утиши учун очик жой қолдирмай жойлашганда улар терлай бошлайди. Яшиқ ёки уюм уртасидаги ҳарорат, одатда омбор ҳароратидан юқори бўлади. Шу сабабли юқори каватдаги ёки ён томондаги мевалар тайёрланади. Бунда улар тез бузилади.

### Сабзавотлардан уртача сув бугланиш тезлиги, суткада г/г

8-жадвал

Сабзавотлар	Саклаш даври		
	Қизда	Қишда	Баҳорда
Лавлаги	650	280	480
Сабзи	550	270	480
Пиёз	480	210	420
Карам	80	630	700
Картошка	290	170	290

Уларнинг сиртидаги намлик микроорганизмларнинг ривожланишига қулай шароит тугдиради.

Мева ва сабзавотларни саклаш учун сунъий усулда – совутгичларда ва табиий усулда вентиляция – ташқи ҳаво ёрдамида музлатилади. Мева ва сабзавотларнинг музлаши – 0,5 дан – 3<sup>0</sup>С гача юз беради. Меваларнинг музлаш ҳарорати улар таркибидаги сувнинг микдорига боғлиқ.

Мевалар канчалик тез совутилса зарарли микроорганизмларнинг ривожланиши ва биохимиявий жараёнлар секинлашади, натижада махсулотнинг сакланиш муддати узаяди ва нобудгарчилик камаяди. Музлатишда мева ва сабзавотлар таркибидаги сув турли муддатларда музлайди. Аввало эркин сув, яъни хужайра оралигидаги сув, кейин эса хужайра таркибидаги сув музлайди. Кичик идишлардаги ва тукма килиб жойланган мевалар одатда тез музлайди.

Купинча каттик музлатиш натижасида, хужайраларнинг сувсизланиб колиши, оксиллар ва плазманинг ҳамда бошка коллоид моддаларнинг кайтарилмайдиган каогуляция натижасида мевалар нобуд булади. Механик шикастланган мевалар уларнинг совукдан нобуд булишини кучайтиради.

Мева ва сабзавотларнинг иссиқлик хоссалари ҳам уларни саклашда мухим аҳамиятга эга. Улар иссиқликни ва хароратни ёмон утказиши билан характерланади. Шу сабабли ҳамда говаклиги катта булганлиги учун улар жуда секинлик билан совийди ва исийди.

Мева ва сабзавотларнинг иссиқлик ва харорат утказувчанлиги ёмон булганлиги учун омборларда уз-узидан кизиш жараёни пайдо булади ва натижада сакланаётган махсулотнинг бир қисми йукотилади.

Омборларда хавонинг харорати, намлиги мева ва сабзавотларни саклашда уларнинг иссиқлик ажратиш чиқариш тезлигига боғлиқ. Мева ва сабзавотларнинг иссиқлик ажратиш чиқариш хусусияти нафас олиш тезлигига боғлиқ, у ажралиб чиқадиган карбонат ангидрид микдорига қараб ҳисоб қилинади.

**Мева ва сабзавотларнинг турли хил хароратда уртача иссиқлик ажратиш чиқариш тезлиги, суткада ккал/т (кдж/кг) 9-жадвал**

Мева ва сабзавотлар	Харорат, °С					
	0	2	5	10	15	20
Олма (кечки)	220	290	430	650	1200	150
Олма (эртаги)	380	430	650	1200	1900	2500
Нок (кечки)	220	450	840	1150	2600	4500
Нок (эртаги)	400	550	950	1300	2300	5700
Узум	200	360	500	750	1000	1600
шафтоли	280	460	850	1900	2700	3800
Олхури	420	700	1300	2200	3800	4500
Сабзи	390	5700	690	730	1750	2300
Лавлаги	320	440	670	1150	1900	3520
Пиёз (боши)	1580	2060	3100	4400	5080	6300
Карам	400	480	650	920	1420	2400
Саримсок	450	650	950	1400	2600	3200
Картошка	380	360	320	500	570	700

Мева ва сабзавотларнинг таркибида сув куп булганлиги сабабли уларнинг иссиқлиги сигими баланд. Одатда мева ва сабзавотларнинг иссиқлиги сигимини ҳисоблашда ундаги сувнинг микдори ҳисобга олинади.

Мева ва сабзавотларнинг иссиқлик сигимини ва ундан ажралиб чиққан иссиқлик микдорини билган ҳолда омбордаги махсулотнинг харорати канчалик ошганлигини ҳисоблаш мумкин. Масалан, картошка сакланадиган

омборда иссиклик ажралиб чикиши  $15^{\circ}\text{C}$  да суткасига 570 кдж/кг тенг булади. Иссиклик сигими эса агар туганакда 85% сув булса, 850 ккал/т  $^{\circ}\text{C}$  булади. Бунда картошка уюмида хароратнинг ошиши суткасига  $570:850=0,67$   $^{\circ}\text{C}$  ни ташкил килади.

Мева ва сабзавотлар хароратининг ошиши аниқлаш оркали биз кайси вақтда шамоллатиш зарурлигини билишимиз мумкин. Акс холда хароратнинг ошиши иссиклик ажралиб чикиши ва нафас олиш жараёнини тезлаштиради. Оқибатда уз узидан кизиш жараёни авж олиб кетади. Шу билан бирга, бунда микроорганизмларнинг ривожланиши ҳам тезлашади.

Мева ва сабзавотларни омборларга жойлаштиришда уларнинг механик пишиклиги асосий курсаткич хисобланади.

**Мева ва сабзавотларнинг механик пишиклиги** деганда уларнинг бир  $\text{cm}^2$  ига таъсир курсатганда солиштирма каршилиги тушунилади ва  $\text{kg/cm}^2$  билан улчанади. Мева ва сабзавотларнинг солиштирма каршилиги уларнинг бир қатор хоссаларига, структурасининг пишиклигига, каттиклигига, оғирлигига ва улчамларига боғлиқ. Масалан, картошканинг солиштирма каршилиги 17 дан 25  $\text{kg/cm}^2$  гача булади.

Тукилувчанлик хусусяти ҳам мева ва сабзавотларни саклашда маълум аҳамият касб этади. Улар турли хил шаклда ва улчамда булганлиги учун уларнинг тукилувчанлиги паст булади.

Картошка ва бошка сабзавотларни уюм қилиб саклашда уларнинг табиий қиялиги  $40-45^{\circ}$  оралигида булади. Омборларда жойлашда бурчагининг қиялиги  $40-45^{\circ}$  дан ортик булгандагина улар сирпаниб тушади. Одатда мева ва сабзавотларни бир жойдан иккинчи жойга қучиришда транспорт ленталарнинг нишаблик бурчагини сирпаниш бурчагдан қичик қилиб жойлаштириши лозим.

Мева ва сабзавот омборларини механизм ёрдамида тулдиришда уз уздан сараланиш қузатилади. Бунда махсулотнинг катталари уюмнинг уртасига, қичик улчамдагилари эса уюм атрофида тудаланади. Бундай тудаланиш улар орасидан хаво утиши ва уюм орасида хаво алмашинувига таъсир курсатади.

Махсулотларни уз узидан сараланишининг олдини олиш учун уларни улчамларига қараб сортларга ажратиш ва калибровкадан утқишиш муҳим хисобланади. Бунда махсулотларни тупрок, қум ва бошка ифлосликлардан ҳам тозалаш лозим.

Саклаш давомида махсулотлар орасида хавонинг алмашинуви уларнинг говаклигига боғлиқ. Мева ва сабзавотларнинг  $1\text{m}^3$  уюмидаги тешиқларнинг микдори уларнинг говаклиги деб қуритилади. Одатда говаклик 30 дан 50 фоизгача булади.

Уюм орасида хаво алмашинувида махсулотлар орасидаги тешиқларнинг улчами ҳам қатта аҳамият касб этади. Масалан, картошка билан бугдойнинг говаклиги бир хил, яъни 40% га яқин. Лекин картошка уюми орасида хавонинг алмашинуви бугдойникига қарганда анча енгил.

Уз узидан сараланиш ходисаси туфайли мева ва сабзавотлар уюмнинг турли қисмларида говаклик турлича булади.

Мева ва сабзавотларнинг говаклиги уларнинг улчамларига боғли. Масалан, лавлагининг говаклиги 50-55, сабзаники 51-53, картошканики эса 37-55% булади.

Шундай қилиб, мева ва сабзавотларнинг бир қатор физик

хоссаларини куриб чикдик. Уларнинг йигиндиси махсулотнинг иссиқлик ва физик системасини ташкил килади. Бунда хаво хароратининг ошиши ва махсулотнинг намланиши кузатилади. Шу сабабли махсулотни сақлашдаги асосий вазифа унинг уз узидан кизиб кетиши ва терлашининг олдини оладиган хамма чора тадбирларни куриш хисобланади. Бунда омборларни сунъий совутиш, актив шамоллатиш ва махсулотни идишларга солиб сақлаш тадбирлари мухим ахмиятга эга.

Шунинг учун сабзаёт ва мевалар, айниқса, ҳосилни узоқ муддатга мўлжаллаб йиғишда механик шикастланишга йўл қўйилмаслик учун барча чораларни кўриш керак. Бу вазифани ҳал этиш йўлларида бири – контейнерларни кенг қўллаш бўлиб, далада тўлдирилганда сотилгунга қадар махсулот бир маромда сақланади.

#### Сақлаш шароитлари

Сабзаёт ва меваларнинг сақланувчанлиги нафақат нав табиий хусусиятлари, балки кучли даражада сақлаш шароити билан белгиланади. Шунинг учун сабзаёт ва меваларни сақлаш шароити чегараларини белгилашда қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

1) моддалар алмашилишида биокимёвий моддалар жадаллигини минимал даражага тушириш зарур, чунки физиологик бузилишга сабаб бўлмасин;

2) сақлаш объектларида нам буғланишини максимал чеклаш;

3) фитопатоген микроорганизмлар ривожланишини йўқотиш.

Сабзаёт ва меваларни сақлашда асосий ташқи шароитлар ҳарорат, намлик ва газ муҳити таркиби хисобланади. Ундан ташқари, амалиётда сақланаётган объектларга ишлов беришда ўсишни бошқарувчи физиологик моддалар ва ҳар хил турдаги нурланишлардан фойдаланилади.

**Ҳарорат.** Ҳароратнинг тушишини моддалар алмашинувида биокимёвий жараёнлар жадаллиги пасайиши, шунингдек, фитопатоген микроорганизмлар ривожланишини сусайиши билан боғлаш мумкин. Шунинг учун сунъий совитиладиган омбоҳоналар куриш сабзаёт ва меваларни узоқ сақлаш муаммоларини ҳал этишдаги асосий омил хисобланади.

Сақланадиган сабзаёт ва меваларга ҳароратнинг таъсири Вант-Гофф қоидасига бўйсунди. Бунда ҳарорат  $10^0$  С га туширилса, кимёвий реакциялар тезлиги икки мартаба секинлашади. Биринчидан, махсулотнинг музлашига йўл қўйилмаслик керак, чунки бу ҳолда тўқималар тузилиши бузилади. Ҳужайра шакли ўзгаради ва ҳосил бўлган муз бўлакчалари таъсирида парчланади, яъни сувли тўқималар уланади. Музлаган сабзаёт ва мевалар эриганидан сўнг, улардан шарбат оқиб, фитопатоген микроорганизмлар томонидан енгил зарарланади. Аммо сабзаёт ва меваларнинг тирик тўқималари қаршилиқ иммунитетига эга. Сабзаёт ва мевалар маълум вақтгача ортиқча совитилган ҳолда сақланади. Аммо ортиқча совитилган ҳолат бир хилда кечмайди. Кейинги ҳарорат пасайиши ҳозирги совитгичларда рўй бериш эҳтимоли бор, шунингдек, механик таъсирланишда ва қисқа вақт давомида ҳужайралар ичида ва оралиғида муз бўлаклари юзага келади. Муз бўлақларининг тез пайдо бўлиши иссиқлик ажралиши ва ҳарорат кўтарилиши билан биргаликда кузатилади. Баъзи меваларни тур ва навлари ҳароратнинг пасайишига юқори даражада сезгир бўлади.

Сабзаёт ва меваларни совитгичларда сақлашда совитиш суръати катта аҳамиятга эга. Бу ерда махсулотни (5-30<sub>24</sub> кун давомида ҳар хил турлар учун) аста-

секин совитиш умумий қоида ҳисобланади. Сабзавот, мевалар бунда тирик объектлар тарикасида маълум даражада паст ҳароратга мослашиб боради. Хаддан ташқари, кескин совитиш шикастларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Худди шундай сабзавот ва меваларни илитиш суръати ҳам аста-секин амалга оширилиши керак. Акс ҳолда физиологик бузилишлар рўй бериб, фитопатоген микроорганизмларнинг маҳсулотга таъсирини кучайтиради. Сабзавот ва мевалар ҳароратга бўлган муносабатига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Паст ҳолатда яхши сақланадиган (музлаш нуқтасидан юқори ёки паст пиёз, саримсоқ, карам) сабзавотлар.

2. Ҳарорат  $0^{\circ}\text{C}$  га яқин ёки ундан биров юқори шароитда яхши сақланадиганлар. Бу гуруҳга сабзавот-меваларнинг тур ва навларидан кўпчилигини киритиш мумкин.

3. Ҳарорат  $2^{\circ}\text{C}$  -  $10^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори шароитда яхши сақланадиган картошка, помидор, олма, нок ва бананнинг баъзи навлари. Бу ҳолатда, айниқса, маҳсулот тўлиқ етилмаган бўлса, кейинги етилишни ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги замон сақлаш технологияси умумий классификациясидан ташқари сақлашда ҳарорат режимининг навга боғлиқлигини назарда тутати. Масалан, немис олимларининг маълумотларига кўра, олма сақлашда «Голден Делишес»га  $0,5^{\circ}\text{C}$  -  $1,5^{\circ}\text{C}$ , «Жонатанг»  $2^{\circ}\text{C}$  мўтадил ҳарорат ҳисобланади.

Сақлашда ҳарорат танлаш маҳсулотнинг терим пайтидаги физиологик етилиш даражасига боғлиқ. Одатда, сабзавот ва мева тўлиқ физиологик етилиш даврида йиғилган бўлса, сақлашда ҳарорат минимал даражада бўлиши мумкин. Агар мевалар, баъзи ҳолларда сабзавотлар етилмасидан терилган бўлса, юқори даражада ҳарорат белгиланади. Агар етилмаган мевалар қуйи ҳароратда сақланса, улар ҳосилдан кейинги етилиш қобилиятини умуман йўқотиши мумкин. Бу, айниқса, помидорга тааллуқли бўлиб,  $5^{\circ}\text{C}$  ҳароратда унинг нимранг мевалари етилмайди.

Маҳсулот сақлаш билан бирга ҳароратни белгилаш пайтида фойдаланиш мақсадини инобатга олиш керак. Олмалар сақлашнинг биринчи даврида сотишга мўлжалланган бўлса, унда ҳосил йиғилгандан кейинги етилишини тезлатиш ва энг юқори истеъмол сифатлари даражасига еришиш учун сақлашда рухсат етилган юқори ҳароратда ушлашга риоя қилмоқ керак. Масалан, чипс ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган картошка туганакларида имкони борича қанд оз бўлиши керак, акс ҳолда қайта ишланган маҳсулот қорайиб кетади. Бунинг учун қайта ишлашга 2 - 3 ҳафта қолганда ҳарорат  $5^{\circ}\text{C}$  гача оширилади. Сабзавот уруғликлари озиқ-овқат маҳсулотларига қараганда анча юқори ҳароратда сақланади (ўсув нуқталари тўлиқ шаклланиши учун). Масалан, оқ бошоқли карам  $-1^{\circ}\text{C}$  да яхши сақланади. Худди шу талаб бошқа илдиз меваларга ҳам тааллуқлидир. Турли нав уруғликларини сақлаш ҳарорати ҳар хил бўлиши шарт.

**Газ муҳити** намлиги. Ушбу омил сақланадиган объектларини нам буғланиши ва фитопатоген микроорганизмлар ривожланишига сабаб бўладиган намни суёқ томчи ҳолда (терлаш) тушишига боғлиқ. Ундан ташқари, газ муҳити намлиги моддалар алмашилишидаги биокимёвий жараёнларга таъсир этади. Сақлаш технологиясида муҳитнинг нисбий намлиги фоизда ифодаланади.

Буғланиш яшил сабзавотларнинг барг сатҳидаги намликни йўқотишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Сабзавотларнинг бу гуруҳида барг сатҳини ривожланиши тургор ёки яшанг ҳолати<sup>25</sup> тезда йўқолиши ва маҳсулотнинг товар

сифати тушиб кетишига сабаб бўлади. Ёз кунлари очик ҳавода яшил сабзавотлар, айниқса, барг бошли салатлар 1 -3 соат давомида сўлийди.

Ҳаво ҳароратининг тезлиги, агар у қуруқ бўлса, сабзавот ва мевалар намлиги буғланишини кескин кучайтиради. Ҳавонинг сув буғлари билан юқори даражада тўлиши, унинг оқим тезлиги ҳамда картошка, дағал илдиз мевалилар, пиёз сингари объектларда деярли кузатилмайди. Сабзавотларни фаол шамоллатиш, яъни кучли ҳаво оқимининг маҳсулотлар атрофида ҳаракатланиш шароитида сақлаш уюмдаги умумий исрофни камайтиради. Ҳароратнинг қатламларида пасайиши ва текисланиши билан таъсирланиш даражаси камаяди. Бу карамга тегишли бўлиб, уни фаол шамоллатишда тез совитиш, сақланадиган маҳсулот сифатига сезиларли тарзда таъсир этади. Сақланадиган сабзавот ва меваларнинг намлиги буғланиш ҳажмига катта таъсир этади, чунки муҳит қанчалик қуруқ бўлса, шунчалик нам кўп сарфланади. Шунинг учун сабзавот ва меваларни сақлашда ҳавонинг юқори нисбий намлиги, яъни оз нам танқислигини ушлашга ҳаракат қилинади. Кўпчилик тур ва навлар учун 90-95 фоизи ҳаво нисбий намлиги мавжуд бўлгани маъқул. Пиёз, қовоқ, цитрус мевалар каби турлар учун эҳтимол, баъзида ҳавонинг нисбий намлигини 80 фоизга, айрим ҳолатларда, масалан, пиёз бўғин ириш билан шикастланган бўлса, 75 фоизгача тушириш зарур. Шундай қилиб, сақлаш технологиясининг умумий талаби бўйича сабзавот ва мева турларини асосий қисмини юқори муҳит (ҳаво) нисбий намлигида ушлашга тўғри келади. Сақланаётган маҳсулотда агарда 7—9 фоиз намлик исроф бўлса, унда тўқималар эгилувчанлигининг пасайишига, товар ва таъм сифатларининг ёмонлашишига олиб келади. Аммо сабзавот ва меваларни паст ҳарорат ва юқори нисбий намликда сақлаш уларнинг терлашига олиб келишини ёдда тутиш керак. Бу эса ортиқча намлик буғланишидан ҳам хавфлидир. Сабзавот-меваларни қуруқ ва соғлом сатҳида фитопатоген микроорганизм-ларнинг споралари ўсиш ҳамда ривожланиш имкониятидан маҳрумдир.

Шамоллатишда ҳавонинг шудринг нуқтаси омборхона девор ва ёпилмалар, шунингдек, сабзавот ва мевалар ҳароратидан юқори бўлиши керак. Ташқи совуқ ҳаво шамоллатишда омборхона атмосферасини қуритади. Ташқи иссиқ ва намли ҳаво шамоллатиш натижасида совитилган омборхона ичида терлашни юзага келтириши мумкин. Совутилган маҳсулотни омборхонадан чиқаришда унинг ҳарорати ташқи ҳавонинг шудринг нуқтасидан баланд бўлиши лозим. Сабзавот ва меваларни сақлашда газ намлиги нафақат буғланадиган намлик ҳажми ва тушадиган конденсат шароитини белгилаб қолмай, балки сезиларли тарзда моддалар алмашиниш жараёнларига, яъни ўта шикастланган тўқималарининг пўкакланишига, сабзавотлар ўсиш нуқтасининг дифференцияланишига ва мевалар йиғилгандан кейин етилишига таъсир этади. Нокнинг баъзи навларида хушбўйлик паст намли ҳавода яхши шаклланиши, баъзи олма навларида худди шу шароитда тахирлик пайдо бўлиши аниқланган. Механик шикастланган картошка туганаги ва илдиз мевалардаги шикастланиш юқори ҳаво намлигида яхши битади.

**Газ муҳити таркиби.** У сақланадиган сабзавот ва мевалардаги биокимёвий жараёнларга, шунингдек, маҳсулот сифати ва исроф миқдorigа таъсир этади. Газ муҳити таркибидан оксидланиш-тикланиш жараёнлари ва уларнинг интеграл кўрсаткичи - нафас олиш жадаллигига боғлиқ.

**ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ РЕЖАСИ.**

*10-жадвал*

<b>№</b>	<b>Кўрсатгич номи</b>	<b>Кўрсатгичлар маълумоти</b>
1	Лойиханинг йуналиши	Жавоб бериши кутилмоқда.
2	Сохани етишмаслиги	Етишмовчилик даражаси ўртача 80-90 фоиз. (худуд бўйича)
3	Нархи	Нархи Рақобатчилар нархидан ўртача 5-20% га камайтиришни режалаштириш.
4	Сифатлилик даражаси	Давлат стандартига жавоб беради. (O`z DST ва тегишли ташкилотлар рухсатномалари)
5	Сарфланган маблағни қоплаш	Тадбиркор мижозларга кенг турдаги замонавий хизматлар кўрсатиш ва махсулот ишлаб чиқариш орқали улардан олинадиган фойда йўли билан амалга оширишни кўзлаб.
6	Мижозларга сифатли, тез ва қулай нархларда қишлоқ хўжалиги махсулотларини тайёрлаб етказиб бериш ва хизматини кўрсатиш орқали улардан олинадиган фойдани фаолиятни ривожлантиришга йўналтириш мақсадида қилинадиган сарфлар харажатларини қўйидагича режалаштирилган.	<p>1. Бино-иншоотни тўлиқ қуриш, жихозлаш ва қурилиш ишларига сарфланиши режалаштирилаётган маблағ - _____ сўм (ўз хисобидан)</p> <p>2. Дастгоҳлар, асбоб ускуналар ва жихозлар, автомашиналар сотиб олиш, олиб келиш ва ўрнатиш учун йўналтирилиши режалаштирилаётган маблағ - _____ сўм (_____ сўм) ўз хисобидан, _____ млн.сўм кредит хисобидан)</p> <p>3. Айланма маблағ учун йўналтирилиши режалаштирилаётган маблағ - _____ сўм (ўз хисобидан)</p> <p>4. Қўшимча ва бошқа кўзда тутилмаган харажатлар учун режалаштирилаётган маблағ - _____ сўм (ўз хисобидан)</p> <p><b>Жами – _____ сўм</b></p>

**Асосий мажбуриятлари:**

Такдим этилаётган лойиханинг амалга оширилишини умумий назоратини олиб бориш, молия-хужалик фаолиятини режалаштириши ва тартибга солиши.

Ушбу лойиханинг амалга оширилишини доимий назоратини олиб бориш, аолиятини режалаштириши ва тартибга солиши.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ШУШИЛКА СОТИБ  
ОЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА.**

11-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Нархи.сўмда	Микдори	Суммаси.
1	Шушилка	_____	_____	_____	_____
2	_____	_____	_____	_____	_____
	<b>жами</b>			_____	_____

**Эслатма:** Тадбиркорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш дастгохи (\_\_\_\_\_)дан ҳозирда **\_\_ та мавжуд** бўлиб, фаолиятни \_\_\_\_\_ шаҳар, \_\_\_\_\_ кўчасида ижара асосида олиб бормоқда. Ушбу лойихани амалга ошириш орқали фаолиятни кенгайтириш натижасида янги иш ўринлари яратиш, фаолиятни кенгайтириш, экспортни йўлга қўйишда хусусий жойга эга бўлиши лозимлиги тақозо этмоқда.

**Шушилкада қуритиш хизмати кўрсатишда маҳсулот  
турлари.**

12-жадвал

№	Маҳсулот Номи	Хизмат кўрсатиш мавсуми	Хизмат кўрсатиш муддати	Хизмат кўрсатиш нархи. сўмда 1тн
1	Слива (олхўри)	Август-октябр	3 ой	_____
2	Дўлана	Ноябр	1 ой	
3	Олма	Июнь-Июль	2 ой	
4	Узум	Август	1 ой	
5	Аччиқ қалампир	Сентябр- октябр	2 ой	
6	Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари		3 ой	
	<b>Жами</b>		<b>12 ой</b>	_____

## ***Стратегия маркетинга.***

Маркетинг стратегияси махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш система яратиш ва махсулотларни ишлаб чиқариш ва қуритишни замонавий усулларда қилишдан иборат.

Асосий махсулот ва хизматлари:

- Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қуритиш ва қадоқлаш хизматини кўрсатиш.
- Кунгабоқар махсулотини ишлаб чиқариш,

***Нархлаш стратегияси:***

- Рақобатдошларнинг нархлашини ўрганиш
- Чегирмалар бериш системасини ишлатиш
- Нархни сарф харажатни қоплаб, фойда қиладиган қилиб белгилаш
- Бўлип ёки кейинроқ суммани тўлашни йулга қуйиш

**Талабгор нархни ўрнатиш учун чегирмалар бериши, сифатли ва тез замонавий технологияларда хизмат кўрсатиши керак.**

*Дистрибуция стратегияси*

Бозорда имтиёзли чегирмалар яхши нархлар бериши ва мижозлар билан кўп йиллик алоқа ўрнатиши керак.

**Махсулот ва хизматни ўтказиш стратегияси:**

Ушбу стратегияларни амалга ошириш учун имтиёзли чегирмалар ўз махсулот ва хизматларини тўғри жойлаштириши керак ва қуйидаги режаларни амалга ошириши зарур:

- ***Реклама қилиш:*** брошюра ва бошқа рекламаларни босмадан чиқариш.
- Радио ва телевиденияда
- Ўз веб сайтида
- Ташқи реклама

2. *Тўғридан тўғри маркетинг:*

- Вебсайт яратиш ва унда кўрсатиладиган хизматлар, нархлар, чегирмалар замонавий, мижозни ўзига жалб этадиган видео ролик ва фотосуратлар ҳамда маълумотлар жамламалари тўлиқроқ лекин қисма маъноли юритилган тарзда берилиши ва уни ички ва устки дизайнига эътиборни кучайтириш лозимдир. Интернетда зарурий хизмат кўрсатишга тегишли бўлган рекламаларни жойлаштириш орқали мижозларни жалб этишда туртки бўлади.

## *Фойда келтириш методлари.*

Нархлар сифатлик махсулот ва хизмат кўрсатиш билан қопланади ва шу орқали мижозлар ҳам сифатли махсулот ва хизматлардан кўнгли тўлади. Мижозлар махсулот ва хизмат хақида яхши фикрга эга бўладилар. Асосий эътибор сифатли махсулот/хизматлар ва нархларнинг дифференциялашга қаратилиши керак ва шу орқали бозорда мустахкам ўринга эга бўлиш мумкин.

Доимий мижозларга кўпроқ чегирма берилади ва уларга алоҳида хизматлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Ману шу туфайли нархларда фарқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари имиджни кучайтириш учун қуйидагиларни ҳам қилиш керак:

- Ўз стилига эга бўлиш
  - Мижозларнинг эҳтиёжини юқори сифатда қондириш
  - Юқори маданият ва мижозларга бўлган хурмат
  - Рекламада ўз стилига эга бўлиш
  - Мижозларнинг эҳтиёжига мослаб хизмат кўрсатиш ва ўзгаришларга тайёр туриш.
  - Реклама шитларини ва эълонларини кўзга кўринадиган жойларга қуйиш ва мижозни жалб этиш.
  - Баланкалар, эмблемалар ва сувинирларни мижозларга тарқатиш.
- Презентация ва чиқишларда иштирок этиш

## ***Лойиҳанинг устуворлиги ва рақобатдошлиги:***

Тўғри ёндошув орқали қуйидаги устунликларга эришилади:

- Мониторинг
- Офиснинг иш жойидан узоқда қуриш
- Ишчанликни, ҳаракатни изланувчанликни ошириш ва таъминлаш.

## **Рақобатдошликни кучайтириш:**

- Бозор доимий ўрганиш;
- Махсулот(хизмат)ни муддатида етказиб бериш;
- Нархларни мижозларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб белгилаш;
- Имтиёз, чегирмалар ва бонусларни доимий мижозларга бериш;
- Ўзгаришларни тез-тез амалиётган жорий қилиш;
- Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни замонавий сўнги русумдаги технологияларни жалб этган ҳолда кучайтириш;

Мижозлар билан ишлашда турли усулларни ишлаб чиқиш

## **Эффективликни қуйидагилар билан кучайтириш:**

- Ишчиларнинг ишлашини яхшилаш учун малакасини босиқчма-босқич ошириб бориш.
- Ишчи ва хизматчиларга қулай шароитлар яратиш ва уларни моддий раҳбатлантириш;
- Тўхталишларни камайтириш, янгиликка интилиш ва фаолиятни кенгайтириш;

## Техник режалаштириш.

### Қурилиш объектнинг қисқача характеристикаси:

- Замонавий бир қаватлик бино у енгил металдан қурилади ва сенвич панеллари ишлатилади.
- Текис бетон пол кемиришга қарши қават билан ва у оғир юк кўтаради, ердан баландликда бўлади.
- Бошқариладиган харорат режими
- Ўт ўчириш ускуналари ва сигналлари
- Хаво алмаштириш системаси
- Қоровул хизмати ва камералар
- Електрастансия ва иситиш тизими
- Автоматик эшиклар
- Автомобил тўхташ жойлари
- Офислар (тегишли ташкилотларнинг)
- Туалетлар, хаммом ва бошқалар
- Телекоммуникация
- Қоравуллар ва хавфсизлик тизими
- Профессиналлик

**Тадбиркор томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш  
хизматини кўрсатиш РЕЖАСИ (сўмда)**

**13-жадвал**

№	Номи	Ўлчов бирлиги	сони	Нархи.сўмда	суммаси
1	Шушилка	дона			
	Шушилка	дона			
2	Қадоқлаш ускунаси	дона	—	—	—
	<b>Жами</b>		—		—

**Изох: 1 та шушилка 1 суткада 3.5тнгача. 6та шушилка 1 суткада 21тнгача  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш қувватига эга.**

Ўртача 1 тн қуритиш хизмати учун харажатлар.сўмда

**14-жадвал**

№	Номи	Ўлчов бирлиги	сони	Нархи.сўмда	суммаси
1	Харажатлар	тн	1	—	—
2	Қўшимча ва бошқа харажатлар	сўм	X	—	—
	<b>Жами</b>				—

Ўртача 1 тн маҳсулотни қуритиб бериш хизмат нархи.сўмда

**15-жадвал**

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи.сўмда	суммаси
1	Хизмат кўрсатиш	тн	1	—	—
	<b>Жами</b>	<b>тн</b>			—

**ХИЗМАТ КўРСАТИШ ҚУВВАТИ.**

Ўртача 1 ойда, 1 йилдаги миқдори.

**16-жадвал**

№	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ойда ўртача миқдори тн (24 иш куни)	1 йилда ўртача миқдори тн
1	Хизмат кўрсатиш	тн	—	—
	<b>Жами</b>	<b>тн</b>	—	—

**Изох: 1 тн қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш хизмати учун 400 000сўм хизматдан тушум бўлса, 1 кг маҳсулотни қуритиш хизмати 400сўмга тўғри келади. Асосан бозорни ўрганиш ва миқдорларнинг талаб ва таклифларига асосан нархлар белгилаб борилади.**

## ТУШУМ ВА ХАРАЖАТИ.

Кутилаётган ўртача хизматдан тушум.сўмда  
(1 тн хизмат кўрсатиш нархи 400 000сўм) (100%)

17-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ойда ўртача тушум. сўмда	1 йилда ўртача тушум. сўмда
1	Хизматдан тушум	тн	_____	_____
		сўм	_____	_____
	<b>Жами</b>	<b>сўм</b>	_____	_____

Кутилаётган ўртача харажат.сўмда  
(1тн хизмат харажат нархи ўртача 240 000сўм).(60%)

18-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ойда ўртача харажат. Сўмда	1 йилда ўртача харажат. сўмда
1	Харажати	тн	_____	_____
		сўм	_____	_____
	<b>Жами</b>	<b>сўм</b>	_____	_____

Кутилаётган тушум ва харажат, сўмда

19-жадвал

№	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ойда ўртача тушум/харажат сўмда	1 йилда ўртача тушум/харажат сўмда
1	Савдодан тушум (100%)	сўм	_____	_____
2	Харажати (60%)	сўм	_____	_____
	<b>Кутилаётган ялпи даромад (40%)</b>	<b>сўм</b>	_____	_____

### ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ;

- Белгиланган тартибдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш, берилган имтиёزلардан тўлиқ оқилона ва унумли фойдаланиш, тадбиркорлик мажбуриятларини бажариш.
- Чет давлатлари тажрибаларини ўрганиб бориш, ҳамкорликни йўлга қуйиш;
- Малакали мутахассисларни жалб этиш, тадбиркорлик билим ва кўникмаларни доимий шаклантириб бориш;
- Замонавий хизмат кўрсатиш дастгоҳларидан фойдаланиб, хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва белгиланган муддатларида янги хизмат турларига алмаштириш;
- Талаб ва таклифларни доимий ўрганиб бориш, хизмат турларини кўпайтириш;
- бошқалар

# ПУЛ ОҚИМИНИ ХАРАКАТИ.

Тадбиркорнинг ўртача тахминий даромадининг пул маблағларининг ҳаракатини кўриб ўтамиз: *(Маҳаллий валюта.сўмда)*

20-жадвал

№	Номи	1-ойда	1-йилда.сўм 12 ой	2-йилда.сўм 12 ой	3-йилда.сўм 12 ой
1	Тушум				
2	Харажати				
	<b>Ялпи даромад</b>				

*Эслатма : Ойдан –ойга тушум ёки харажатлар ўзгариши мумкин, негаки олдиндан канча миқозлар хизматдан фойдаланишлари мумкинлигини айтиши қийин, йил давомида яъни иш жараёни ўртача инobatга олинган ҳамда тушум, харажат ва фойда кутилмоқда.*

*Соф пул оқимлари тўғрисида маълумот (сўм ҳисобида)*

21-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	1-ойда	1-йилда. сўм	2-йилда. сўм	3-йилда. сўм
1	Тушум				
2	Харажати				
3	Ялпи даромад				
4	Солиқ тўловлари 5%				
5	Иш хақи (1та ишчига 800 000 сўм).(500000-1000000сўмгача) канкуляция ичига киритилган				
6	Кредит тани	График асосида			
7	Кредит фоизи 7%	График асосида			
8	Кўшимча ва кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	13 995 069			
	<b>Кутиляётган Соф фойда</b>				

*Изоҳ: Кўшимча ва кўзда тутилмаган харажатларга, банк хизмати, бозор нарх-наво ўзгарувчанлиги, коммунал тўловлар, табиий офатлардан зарар кўриши, маҳсулотларни етказиб бериши ва бошқа асосли сабаблар учун ажратиладиган жадвалдаги миқдорини режалаштирилмоқда.*

# Тадбиркор томонидан режалаштирилаётган фаолиятдан кутилаётган даромад ТАХЛИЛИ. (СЎМДА)

22-жадвал

Кўрсаткичлар номи	Тадбиркор 25% даромад олгандаги ўртача 3 йилдаги кутилаётган даромади ҳолати сўмда	Тадбиркор 50% даромад олгандаги ўртача 3 йилдаги кутилаётган даромади ҳолати сўмда	Тадбиркор 75% даромад олгандаги ўртача 3 йилдаги кутилаётган даромади ҳолати сўмда	Тадбиркор 100% даромад олгандаги ўртача 3 йилдаги кутилаётган даромади ҳолати сўмда
Кутилаётган Соф фойдаси	<i>450 000 000с (210млн.сўм дастгоҳ)</i>	<i>900 000 000с (210млн.сўм дастгоҳ)</i>	<i>1 350 000 000с (210млн.сўм дастгоҳ)</i>	<i>1 800 000 000с (210млн.сўм дастгоҳ)</i>

**Изоҳ:** Юқорида кўрсатиб ўтилган яъни оладиган даромадини **25%-100%** ташкил этиш режаси, бу таҳлилдан мақсад тадбиркор томонидан фаолиятини кенгайтирилган ҳолда бошлаб олиниши, ушбу фаолиятдан тушумни пасайиши (кўтарилиши), кутилаётган режада кўрсатиб ўтилган хизмат кўрсатиш жараёнлардаги харажатлар ва тушумларни доимий ўзгариб туриши ва бошқа сабабларни инобатга олган ҳолда кутиладиган фойдани **4 хил** кўринишда таҳлил қилинди ва кўрсатиб ўтилди.

**Изоҳ:** Юқоридаги кўрсатиб ўтилган нархлар ўзгарувчан бўлиши.

- Нархлари асоссиз юқори бўлганда.
- Савдо тушуми паст ёки юқори бўлганда.
- Энг кам иш ҳақи ошганда.
- Махсулот хом-ашёлари танқис бўлганда.
- Бошқалар.



Фойда олиши

Зарар кўриши

## **ХУЛОСА.**

Хар бир тадбиркорлик субъектлари фаолиятни бошлашидан олдин, яъни ўз бизнесини яхшилаб уйлаб иш кўриши, хужжатларни юритилишини ўрганиши, оқ билан қорани ажрата олиши, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда фаолиятларни амалга оширилиши, ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлардан унумли ва оқилона фойдаланиш асосий вазифадир.

Республикамиз худудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, инвесторларни кенг жалб этиш ва уни қонуний манфаатларни химоя қилиш юзасидан Юртбошимиз томонидан чиқарилган бир қатор Фармон ва Қарорларини ўрганиб бориш, ижроси бўйича Оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилаётган материаллар, чоп этилаётган қўлланма адабиётлар, газета ва журналлардан фойдаланиш қолаверса жойларда ўқув семинарлари, махсус курслар, тренинглар иштирок этиш – бу кичик ва ўрта бизнес тизимида фаолият кўрсатаётган хар бир тадбиркорлик субъектлари учун муҳим омил ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Тадбиркор ўз ва кредит маблағлари ҳисобидан бир қатор босқичма-босқич фаолият турларини кенгайтиришни ташкил этиш ва келгусида янада ривожлантириш, иш режаларини ишлаб чиққан ҳолда режалаштириши муҳумлиги, янги лойихалар устида иш олиб бориш ва маҳаллий ва хорижий аҳолига кўшимча фаолият хизмат ва махсулот турларини таклиф этишни, тумандаги ишсиз ёш йигит ва қизлар иш билан таъминлашни доимий режлаштириб бориш ва йўлга қўйишдир.

Вилоятимизда, айниқса туманимизда янги иш ўринлари яратиш ва шу билан бир қаторда мижозларга кенг имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланган ҳолда сифатли кенг турдаги махсулот ва хизматларни **(мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш ва қадоклаш хизматларини)** кўрсатишни фаолият давомида ташкил этиб улардан олинadиган даромадларни тизимли, самарали ишларга йўналтириш орқали халқимизга ва давлатимизга оз бўлсада ўз ҳиссасини қўшиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга келгусида Кунгабоқар (писта)ни қайта ишлаб, қадоклаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиш учун фаолият турини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**Эслатма: Ушбу лойихадаги ҳисоб- китоблар, юридик корхона мисолида режалаштирилган ва кўрсатиб ўтилди.**

**(ушбу лойихага тегишли хужжатлар асослантириб илова қилинади)**

**Илова варақда.**

**Тадбиркор**

\_\_\_\_\_  
ИМЗО

***ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИ  
ФОТОСУРАТЛАРИ***